

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент давлат шарқшунослик институти
"Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик" факультети

Битирув малакавий иши

**Мавзу: Саудия Арабистони миллий иқтисодиётини модернизациялаш
тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари.**

5231000 - Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги
(Яқин ва Ўрта Шарк минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги)

Бажарди: "Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти
ва мамлакатшунослик" таълим йўналиши
битирувчи курс талабаси Бобожонов
Муҳаммаджон Умарович_____

Илмий раҳбар: "МДХ, Яқин ва Ўрта Шарк
минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги"
кафедраси ўқитувчиси Ёкубов Шерзод
Каримжонович_____

Илмий маслаҳатчи: "Иқтисодий назария"
кафедраси доценти и.ф.н. Ҳақбердиев Қахрамон
Қурбанович_____

Тошкент - 2013

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3
 I БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	 7
1.1. Миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг объектив зарурияти.....	7
1.2. Миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг хориж тажрибаси.....	16
 II БОБ. САУДИЯ АРАБИСТОНИ ПОДШОҲЛИГИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	 24
2.1. Саудия Арабистони Подшоҳлиги миллий иқтисодиётини модернизациялашнинг модели ва босқичлари.....	24
2.2. Саудия Арабистони Подшоҳлиги миллий иқтисодиётини модернизациялаш тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш йўналишлари.....	43
ХУЛОСА.....	58
 ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	 61

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўткир қилиб қўймоқда ва бунинг учун бор куч имкониятимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишни талаб қилмоқда¹.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш – ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали макроиқтисодий барқарорликка эришишни, узлуксиз иқтисодий ривожланишни ва шу асосда республикамиз аҳолисини муносиб турмуш тарзи ва ижтимоий кафолатлар билан таъминлашни кўзда тутди. “ Ислохотлар давомида,- деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, - кишилар ўз меҳнат ва ақлий фаолиятларини амалга оширишлари, қилган меҳнатларига яраша муносиб ҳақ олишлари учун Конституцияда кўзда тутилган тенг ижтимоий кафолатлар ва имкониятларни таъминлаш зарур”²

Бозор муносабатларига ўтишнинг “ўзбек модели” бошқа мамлакатлар иқтисодий ривожланишида тўплаган тажрибаларидан ижодий фойдаланишни ҳам кўзда тутди, чунки мамлакатимиз олдида жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан икки томонлама манфаатли иқтисодий алоқаларни ўрнатиш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш бўйича яқин бўлган Форс кўрфази араб мамлакатлари билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

XXI асрнинг кейинги ўн йиллигида “араб мамлакатлари” атамаси ушбу мамлакатларга ўз ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий ривожланишида улкан ўзгаришларни амалга оширишга имкон берган нефт сотишдан тушган катта миқдордаги маблағлар билан боғлиқ иқтисодий тараққиёт сўзи билан биргаликда ишлатила бошланди.

¹ Каримов. И.А. “жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Тошкент 2009

² Каримов. И.А. “ Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” Тошкент 78 бет

Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўз ижтимоий-иқтисодий рисожданишида юқори даражага эришди. Бу мамлакат жаҳон сахнасида чиқиши 1960-йиллар охири 1970- йиллар бошларида мамлакат ҳудудида катта нефт захиралари топилиши ушбу мамлакатнинг қисқа муддат давомида тез суръатлар билан ўсишга эришишига сабаб бўлди ва у энг аввало “нефт омили”, яъни жаҳон аҳамиятига молик бўлган “қора олтин” конлари мавжудлиги билан боғлаш мумкин. Бугунги кунда мазкур мамлакат давлат даражасида ўз миллий иқтисодиётини модернизациялашга ҳамда уни диверсификациялашга катта аҳамият бермоқда. Негаки, ушбу мамлакатнинг иқтисодиёти ҳозирги вақтда фақат нефтдан тушадиган маблағлар ҳисобига шаклланимоқда ва шу сабабли ҳам кўп тармоқли иқтисодиётни барпо этишдан иборат. Ҳозирги пайтда мамлакатнинг нефтдан тушадиган пул маблағлари ҳисобига шаклланаётган бюджетдан иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш борасида кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб борилмоқда.

Бундан ташқари ўрганилаётган мамлакатдаги шарт-шароитлар бизнинг мамлакатимизда ҳам мавжуд. Демографик вазият ўхшашлиги, мамлакатимизнинг минерал хом-ашё, хусусан ёқилғи энергетика маҳсулотларига бойлиги ана шулар жумласидандир. Яна бир ўхшашлик, Ўзбекистонда ҳам мазкур мамлакатда ҳам бир хилдаги товарларни катта миқдордаги ишлаб чиқариш имкониятидир. Бу ерда нефт, газ, пахта, чорвачилик ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришни мисол қилиб келтириш мумкин.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Саудия Арабистони миллий иқтисодиётини модернизация қилишнинг айрим жиҳатлари яқин ва узоқ хориждаги қуйидаги иқтисодчи ва шарқшунос олимлари томонидан ўрганилган: Д.В. Диденко, Э. Гидденс, В.О. Рукавишников, В.А. Красильщиков, Sheri Berman, Jürgen Kocka, Qian Chengdan, Gerard Van Der Ree, Joseph A. Amato, Eugen Weber, В.Л.Иноземцева ва бошқалар.

Бундан ташқари иқтисодий ривожланиш ва модернизация жараёнларининг баъзи муаммолари С.Иноғомов, З.Мунавваров, Л.С. Зиядуллаева, М. Мирафзалов каби ўзбек шарқшунос олимлари илмий ишларида ёритилган. Шу билан бир қаторда, иқтисодиётни модернизация қилиш, ижтимоий соҳани иқтисодий ривожланишга таъсири, унинг самадорлигини ошириш механизми, шунингдек ушбу соҳада тўпланган хорижий, хусусан Саудия Арабистони тажрибаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари, Саудия Арабистони иқтисодий ривожланиш модели ҳамда мамлакат томонидан олиб борилаётган иқтисодий модернизациядан келиб чиқиб мамлакатимизда қўллаш ва татбиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқот ишининг асосий мақсади — Саудия Арабистони Подшоҳлигининг миллий иқтисодиётини модернизациялашни ўрганиш ҳамда хусусиятларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида Ўзбекистон шароитида иқтисодиётни модернизациялаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот ишининг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

1. Миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг хориж тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
2. Саудия Арабистони миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг моделлари ва босқичларини таҳлил қилиш;
3. Саудия Арабистони миллий иқтисодиётни модернизациялаш тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланишни тадқиқ қилиш;

Тадқиқотнинг объекти - Саудия Арабистони Подшоҳлиги миллий иқтисодиётини модернизациялаш.

Тадқиқотнинг предмети Саудия Арабистони ўз миллий иқтисодиётини модернизациялаш жараёни.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асослари. Битирув малакавий ишнинг назарий-услубий асос сифатида мамлакатимиз ва хориж иқтисодчи олимларнинг ушбу муаммо юзасидан олиб борган тадқиқотлари хизмат

килиб, ахборот база сифатида Саудия Арабистони иқтисодиёт ва режалаштириш вазирлиги, ахборот ва статистика марказий департаменти, Саудия Арабистони пул-кредит агентлиги ҳамда ахборот материалларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги

- Саудия Арабистони миллий иқтисодиётини модернизациялаш хусусиятлари ёритиб берилди, ушбу мамлакатда олиб борилган чора-тадбирлар ўрганилди;

- Саудия Арабистони ва Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялашнинг умумий ва фарқли жиҳатлари кўриб чиқилди ҳамда мамлакатимизда модернизация жараёнини янада жадаллаштириш юзасидан керакли тавсия берилди;

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Саудия Арабистони сўнги йилларда иқтисодиётни модернизациялаш юзасидан олиб бораётган сиёсати ва бу соҳада муайян тажриба тўплаган мамлакатда модернизациялашнинг асосий тамойиллари, шакллари ва натижаларини аниқланганлигида ўз аксини топади.

Тўпланган маълумотлардан олий ўқув юртларида "араб мамлакатлари иқтисодиёти" каби курслар бўйича маъруза матнлари учун фойдаланиш мумкин.

I БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг объектив зарурияти

Модернизация (французча сўздан олинган бўлиб, модерне - энг янги, замонавий деган маънони англатади) - бирор нарсани янгилаш, унга замонавий тус бериш, уни замонавий талабларга мувофиқ ҳолда ўзгартиришдир. Модернизацияда машина, аппарат, турли технологик қурилмалар, муҳим кашфиётлар техника тараққиёти талабларига мувофиқ қайта ишланади³.

Модернизация - бу "анъанавий" ёки "эски" тизимдан замонавий жамиятга ўтиш жараёни ҳисобланади. Модернизацияни тарихчилар саноатлашиш ва урбанизациялаштириш жараён, шунингдек илм фаннинг тарқалишига боғлашади. Кендалл таъкидлашича, урбанизация тез суръатлар билан саноатлашиш ва модернизация жараёнлари билан ҳамоҳанг саналади⁴. Социологик танқидий назарияга кўра модернизация муҳим ҳисобланган рационализация жараёни билан боғланади. Агар бирор бир жамиятда инсонлар мавқеъи ошиб, жамиятнинг фундаментал асосини ташкил қилсалар, модернизация жараёни ошади. Модернизация назарияларига кўра ҳар бир жамият анъанавийликдан замонавийликка ўта олади. Кўплаб ривожланган мамлакатлар аҳолининг ижтимоий фаровонлиги яхши, бой, куч-қудратли ҳамда фуқаролари эркин ҳисобланади.

Модернизациянинг келиб чиқиш тарихига назар ташласак, модернизация жараёни XIX асрда пайдо бўлди ва XX аср ўрталарига келиб олимлар ўртасида машҳур бўлди. Гарвард университети профессори Талсотт Парсонснинг "Келажак расмийлари" (Mandarins of the future) асарида

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси

⁴ Diana Kendall, *Sociology in Our Times* (2007) p. 11

модернизация жараёнига фикр билдирар экан, оламшумул марралар ва ютуқларга эришишда анъанавийлик тўсиқлик қилади деб таъкидлаб ўтади⁵.

Бугунги кунда модернизация тушунчаси асосан уч хил маънода кўриб чиқилмоқда:

1) Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатларининг ички ривожланиши айни вақтда янги технологияларга мансуб ҳисобланади;

2) Биринчи гуруҳ мамлакатларига тегишли бўлмаган тажриба қилаётган давлатлар модернизацияга етиб олмоқдалар, бироқ уларга босқичма-босқич, аста-секин етиб олмоқдалар;

3) Айниқса модернизацияни ривожлантиришнинг эволюцион жараёнлари (Ғарбий Европа ва Шимолий Африка), бугунги кунда модернизация постиндустриал жамиятга ўтишни билдирадиган (англатадиган) инновация ва ислохотларни амалга ошириш воситасида амалга оширилаётган (ҳаётга татбиқ этилаётган) доимий жараён ҳисобланади.

Модернизация атамасининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, одатда уни техника, технологияга оид тушунча деб қаралади. Жумладан, иқтисодиётга оид аксарият луғатларда унга қуйидаги мазмундаги таъриф берилади: «Модернизация – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизацияланади»⁶. Бироқ бу модернизацияга тор маънодаги ёндашув бўлиб, бугунги кунда унинг кенг маънодаги мазмуни тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Модернизациянинг туб моҳиятига назар ташласак, "Модернизация" иқтисодий атамаси Иккинчи жаҳон урушидан кейин оммавийлашиб, жамиятда иқтисодий рақобатдошликни оширишга қаратилган технологик, хўжалик ва ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларнинг изчил ўзгаришини

⁵ Khan, p. 162–164.

⁶ <http://ekonomik.doco.ru/?id=797665467>.

таъминловчи сиёсий ва иқтисодий стратегияларни қамраб олади. Мазкур даврларда дунёда янги ижтимоий-иқтисодий тизимнинг юзага келиши, колониализмнинг барҳам топиши, қатор Осиё мамлакатларида индустриал иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши билан тавсифланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялашга қуйидаги хусусиятлар хос бўлиши зарур:

- Тармоқлар оммавий ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиши лозим;
- Тармоқлар хом ашёга тўлиқ боғлиқ бўлмаслиги, яъни юқори қўшилган қиймат улушига эга бўлиши керак;
- Янги технологияларни қўллаш ва уларга бўлган талабни қўллаб-қувватлаш лозим;
- Меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлиши ва ушбу тармоқларни ривожлантиришдан манфаатдор ишчилар гуруҳи шакллантирилиши лозим.

Модернизация – анъанавий жамиятнинг илғор, индустриал жиҳатдан тараққий этган жамиятга айланишини таъминловчи ижтимоий-тарихий жараён. Модернизациянинг мазмунини тушунишда иқтисодчи олим Р. Нуреев унинг неоклассик ва кейнсча талқинларини фарқлайди. Жумладан, неоклассиклар томонидан модернизацияга хусусий мулкчилик ва демократияни мустаҳкамлаш сифатида ёндашилса, кейнсчилар томонидан, энг аввало, хўжаликнинг асосий тармоқларини қамраб олувчи таркибий ўзгаришлар сифатида тушунилади. Дастлабки ўринга техник-иқтисодий муаммолар қўйилади. Хўжалик замонавий тармоқларининг мавжуд бўлмаслиги тараққиётнинг асосий тўсқинлик кучи сифатида қабул қилинади⁷.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш - ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараёндир.

⁷ Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. - <http://www.soob.ru/n/2005/10/c/6>.

Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортименти кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш⁸.

Модернизация - анъанавий жамиятнинг илғор, саноат жиҳатдан ривожланган жамиятга айлантириш билан боғлиқ жараёндр. Модернизациялаш - ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янгилаш, уни замонавий талаблар ва меъёрлар, техник шарт-шароитлар, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштиришдан иборат бўлиб, у микро даражада амалга оширилади. Чунки, асосан машиналар, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизациялаштирилади. Аммо, модернизация мезон ва макро даража объекти бўлиб ҳам ҳисобланади. Бу жараён ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати, инвестициялар ва капитал қўйилма ҳамда кредитларни бир текис ва мақсадга мувофиқ жойлаштирилиши орқали тармоқлар, шунингдек иқтисодиёт миқёсида бошқарилади.

Модернизация аслида дастлаб ижтимоий жараёнларни ўрганувчи термин сифатида намоён бўлган. Америкалик социолог олим Н.Смелзер фикрича, модернизация ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ўзгаришларни ўз ичига оладиган мураккаб ҳолат бўлиб, жамиятдаги саноатлаштириш жараёнлари ҳамда фан-техника ютуқларининг самарали ўзлаштирилиши натижасида содир бўлади⁹.

⁸ Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий - необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке /"Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. - Т.:2012. - 5 бет.

⁹ N. SMELSER. SOCIOLOGY. New-Jersey. Prentice Hall. 1988

Бошқа таърифларда, ижтимоий модернизация тез саноатлаштириш жараёни натижасида содир бўлиб, урбанизацияга олиб келади¹⁰, жамиятда яшаётган ҳар бир индивиднинг аҳамияти ошиб боришини тақозо этади¹¹, бошқа ривожланган давлатларнинг тажрибаси ва босиб ўтган йўлига асосланади¹², давлат режалари ва технократлар - илмий-техник мутахассисларнинг жамиятдаги етакчи роли ҳисобига шаклланади¹³, анъанавий жамиятнинг машина ва асбоб-ускуналар кенг қўлланиладиган жамиятга айланиши ҳамда ижтимоий тузилмалар хилма-хиллигининг ошиши натижасида юзага келади¹⁴, жамият ҳаётида технологиялар ўрнининг юксалиши, глобализация шароитида мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг кенгайиши ҳамда замонавий институтлар фаолиятининг такомиллашуви натижасида содир бўлади¹⁵, мустақил фикрлайдиган, ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги фаол инсонларнинг ҳаётларидаги муваффақиятларга ўз кучи ва иродалари билан эришишлари натижаси юзага келади¹⁶.

Модернизация жараёни мамлакатда амалга оширилса, анъанавий диний қарашлар ҳамда маданий урф-одатлар таъсир кучи камаяди ва аста-секин йўқолиб боради. Петер Вагнернинг фикрига кўра, модернизация муайян бир жараён сифатида қаралади. Бу жараён одатда сиёсатчилар ва оммавий ахборот воситалари томонидан ишлаб чиқилади. Янги маълумотлар технологияси анъанавий усулларни мунтазам равишда янгилаб туриш керак. Оқибатда модернизация жараёни зарурий ёки афзалроқ тусга эга бўлади. Бу қарашнинг яна бир жиҳати шуки, модернизациянинг шиддатлилигини ва тезлигини бошқариш инсониятга боғлиқ.

¹⁰ Diana Kendall, *Sociology in Our Times* (2007) p. 11

¹¹ Krishan Kumar, *modernization* (<http://www.britannica.com/EBchecked/topic/387301/modernization>)

¹² Qian Chengdan, "Constructing a New Disciplinary Framework of Modern World History Around the Theme of Modernization," *Chinese Studies in History Spring 2009*, Vol. 42#3 pp 7-24; in EBSCO

¹³ Gerard Van Der Ree, "Modernisation in Chile: from the 'Revolution in Liberty' to 'Growth with Equity'," *Bicentenario: Revista De Historia De Chile Y America* 2007 6(2): 39-69

¹⁴ O'Connel, James 1976. The concept of modernization, in: Black, pp.13-24: цит. По П. Штомпка Социология социальных изменений. М.: Аспект Пресс, 1996

¹⁵ Гидденс Э. Последствия модернити // Новая постиндустриальная волна на Западе. Антология. Под ред. В.Л. Иноземцева. М.: Academia, 1999. с. 101-122.

¹⁶ Рукавишников В.О. Социологические аспекты модернизации России и других посткоммунистических обществ // Социс №1, 1995 с. 35

XX асрнинг бошларида АҚШда модернизация жараёни юксак даражага етган. Улар илм-фан, технология ва айниқса таълимга, жамиятдаги камчиликларга бош ечим сифатида қарашган. Уларнинг ғоялари шаҳарлашган ва саноатлашган жамиятга бўлган илиқ муносабат, инсониятнинг атроф-муҳит ва яшаш шарт-шароитларини яхшилаш олиш қобилиятига бўлган ишонч, иқтисодий ва ижтимоий ишларига аралашуш, мутахассисларнинг қобилиятига бўлган ишонч ва ҳукуматнинг иқтисодиётга аралашуви кабиларни ўз ичига олади.

Колумбия университети тарих профессори Паул Монрое, 1919-йилда Париж Тинчлик конференциясида америкалик мутахассислар гуруҳи иштирокчиси, модернизациянинг муҳим йўналишларидан бири - бу изчил равишда ислохотлар олиб бориладиган таълим тизимидир. Негаки айнан таълим тизимининг барқарор ривожланиши жамиятни барпо этиш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Унинг бу танлаган йўли 1920 йилларда Американинг ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлигини шакллантирди ва 1920-1930 йилларда модернизациялашга бўлган саъй-ҳаракатларни рағбатлантирди¹⁷.

Модернизацияни нафақат ўзгариш жараёнига, балки айнан ўша ўзгаришга бўлган жавобларга алоҳида урғу беради. Модернизация жараёнида ижтимоий ва маданий структура, шунингдек янги техника ва технологияларга мослашиш кузатилади. Агар мамлакатда порахўрлик авж олса, модернизация жараёни секинлашади. Бу эса ўз навбатида пул ва хом ашё ресурсларининг мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишига ва мамлакатда молиявий аҳволнинг ҳамда самарадорликнинг тушуб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакат модернизация жараёнига ёрдамлашиш учун ўз ички ҳудудидаги низоларни ҳал қилиши керак.

Янги технологияларнинг жалб қилиниши ижтимоий ўзгаришларнинг муҳим манбаидир. Модернизация жараёни қишлоқ хўжалигидан

¹⁷ David M. Ment, "Education, nation-building and modernization after World War I: American ideas for the Peace Conference," *Paedagogica Historica*, Feb 2005, Vol. 41 Issue 1/2, pp 159-177


саноатлашган жамиятга ўтиш каби ижтимоий ўзгаришни кўзда тутар экан, технологияларнинг ривожланишига муҳим эътибор қаратилиши лозим. Янги технологиялар жамиятни айнан ўзини ўзгартирмайди, балки ўзгаришга олиб келадиган технологияга жавобдир. Кўпинча технологиялар кенг жамоатчилик томонидан тан олинади, бироқ уларнинг ишлатилиши узок вақтга чўзилмайди. Неил Постманнинг таъкидлашича, технологик ўзгариш бу қўшимча нарса эмас, экологик хусусиятга эга янги бир технология бирон нарсага қўшимча киритмайди, балки ҳамма нарсани ўзгартириб юборади. Жамиятда инсонлар янгидан-янги ғоялар, хусусан ҳаётни янада фаровон ва завқли қилиш йўллари йўлайдилар. Асрлар мобайнида ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги кескин ўзгаришлар модернизация атамаси билан боғланади. Мисол учун мобил телефонлар дунё бўйлаб миллионлаб одамлар ҳаётини ўзгартирди. Айниқса алоқа харажатлари паст бўлган Яқин Шарқнинг баъзи қисмларида ва Африкада кузатилади. Жаҳон амалиётида янги технологиялар инсонларга табиий офатларнинг салбий таъсирларидан ҳимояланишга ёрдам берди.

Модернизация назариясига ҳисса қўшган олимлардан бири Валт Ростов бўлиб, ўзининг "иқтисодий ўсиш босқичлари" (1960) асарида моденизациянинг иқтисодий тизим томонига эътиборини қаратади ва ўзининг Ростов моделида мамлакатни модернизация қилишга эришишга бир неча омилларни кўрсатади. Бошқа олимлардан бири Давид Аптер сиёсий тизим ва демократиянинг тарихига эътибор қаратиб, демократия, мукаммал бошқарув, самарадорлик ва модернизация ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиб илмий изланиш олиб борди. Давид МакКлелланд (эришаётган жамият, 1967-йил) ўзининг назариясида психологик нуқтаи назардан ёндашади ва таъкидлайдики, агар муайян бир давлат тадбиркорлик ва инновацияни кенг йўлга қўймагунча модернизация содир бўлмайди.

Жаҳон миқёсида мавжуд бўлган модернизация моделларини қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин: инқилобий, табиий ва қувиб етадиган¹⁸.

Инқилобий модернизация қолоқ мамлакатларда амалга оширилади, чунки бошқа йўл билан улар тараққий этган мамлакатларга ета олмайди. Нисбатан муваффақиятли, мамлакатлар учун халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрнини узок муддат эгаллаб туриш имконини берувчи модел табиий модернизациялаш модели ҳисобланади.

1.1-жадвал



Табиий модернизациялаш жараёнлари мамлакат ресурсларига асосланган ҳолда бутун жамият манфаатларини қондириш учун табиий равишда амалга оширилади. Табиий модернизациялашга АҚШ нинг XIX аср охири XX аср бошларидаги жадал суръатларда ривожланишини, II - жаҳон урушидан кейинги Германия, Франция, Япониянинг модернизацияланишини, Ирландиянинг XXI аср бўсағасида янги модернизацияланишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Қувиб етадиган модернизациялаш модели давлатнинг етакчи ўрин тутиши ягона тўғри ривожланиш йўналишини танлашда хатоликка йўл қўйиш эҳтимолини кучайтириб, ҳаракатлантирувчи кучлар кескинлигини оширади, тизимли рисклар ва иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишини тезлаштиради. Ушбу моделга Хитой, Аргентина, Жанубий Корея, Тайвань, Россия, Ўзбекистонни киритса бўлади.

¹⁸ Вахабов А.В. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш моделлари ва улардан Ўзбекистонда ижодий фойдаланиш йўналишлари /Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг долзарб масалалари: хориж тажрибаси, муаммолар, истиқболлар Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т., 2012. – Б.4.

Айрим тадқиқотчилар модернизациялаш моделларининг қуйидаги икки муқобил вариантини ажратишади¹⁹:

- Инновацион;
- қувиб етувчи.

"Инновацион" модел бир ижтимоий-иқтисодий тизим ичида технологик ва институционал янгиликларни оммавий равишда такрор ишлаб чиқариш учун доимий изланиш, яратиш, самарадорликни текшириш ва танлаб олиш жараёнига асосланади. Инновацион модернизация жараёнида жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш йўналишини белгилаб берувчи технологик уклад ва ижтимоий-иқтисодий институтларда туб ўзгаришлар амалга оширилади. Инновацион модел жаҳон иқтисодиётининг ядросини ташкил этувчи, жаҳон хўжалигининг индустриал ва постиндустриал ривожланиш босқичида институционал-технологик эталонлар яратган мамлакатлар учун хосдир.

Муқобил қувиб етадиган модел эса аввал яратилган, ташқи шароитларда ўз самарадорлигини кўрсата олган илғор технологик ва институционал янгиликларни ўзлаштириш, унга мослашишга асосланади.

1.2. Миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг хориж тажрибаси

Модернизация жараёни турли давлатларда турлича мазмун ва шаклда содир бўлиб, унинг муваффақиятли амалга оширилишига мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари, географик жойлашуви, инфратузилмасининг тараққий этгани, аҳоли менталитети, саводхонлик даражаси, давлат томонидан олиб борилаётган оқилона иқтисодий сиёсат каби омиллар

¹⁹ Красильщиков В. А. Вдгонку за прошедшим веком: Развитие России в XX веке с точки зрения мировых модернизаций. — М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭМ), 1998. С. 9-24.; Нуреев Р.М. Россия: особенности институционального развития. — М.: Норма, 2009. С. 40-109.; Диденко Д.В. Теория модернизации и стратегии трансформации национальной интеллектуалоемкой экономики. //Международная экономика, №11, 2010. — С. 45.

бевосита таъсир кўрсатади. Бунда давлат томонидан иқтисодий режалар ишлаб чиқарилади ва назорат этилади.

Хитой. Хитой каби тез суръатлар билан ривожланаётган мамлакатлар модернизация назарияларидан ҳамда тарих тажрибасидан келиб чиққан ҳолда очик ва самарали равишда фойдаланмоқда. Ҳақиқатдан ҳам жаҳон иқтисодиёти тарихида модернизация жараёни Хитой учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди. Чунки Хитойнинг ривожланаётган мамлакатлар каторига кирганига унча кўп вақт бўлмади. Бунда Хитой бошқа мамлакатлар тажрибасини қўллади. Хитой 1911-йилдаги революциядан кейин мамлакат иқтисодиётида модернизация жараёнларини қўллашга ҳаракат қилди²⁰. 1950-1970 йилларда Хитойнинг иқтисодий ривожланишига мамлакатда рўй берган "катта сакрашлар" (1958-1960) ва "маданий инқилоб" (1966-1976) каби жиддий сиёсий ўзгаришлар салбий таъсир кўрсатди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хитой иқтисодий ривожланишини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр (1949-1978) - мамлакатнинг давлат сектори (давлат ва жамоавий корхоналари) устун турувчи марказлашган режали иқтисодиёт шароитида ривожланиши билан тавсифланади. Иккинчи давр (1978 йил охиридан ҳозирга қадар) эса иқтисодий эркинлашув, хўжаликни бошқаришда бозор тамойилларига босқичма-босқич ўтишга йўналтирилган²¹.

Хитойнинг АҚШ ва қатор Ғарб мамлакатлари билан расмий муносабатларининг ёқилғи шароитида мамлакат учун Ғарб технологияси, асбоб-ускуналарини жалб қилиш ва Хитой маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқишнинг муҳим йўли ҳисобланган Гонгконг билан савдо муносабатлари жадал ривожлантирилди.

1970-йилларнинг охирида Хитойда иқтисодий ислохотлар йўналиши ("ислохотлар ва очиклик сиёсати") белгиланиб олинди. Хитойдаги ислохотларнинг асосий мазмуни режали иқтисодиётдан бозор

²⁰ R. Keith Schoppa, ed. (2011). *Revolution and Its Past: Identities and Change in Modern China* (Third Edition ed.). Upper Saddle River, NJ: Prentice Hall.

²¹ Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Т.2011, 196 бет

муносабатларига ўтиш эди. Аммо ислохотларнинг аниқ равшан концепсияси, яқуний мақсади белгиланмаганлиги сабабли туб ўзгаришларнинг расмий модели бир неча марта ўзгатирилди²². Хитой мамлакати саноат соҳасида, банк, солиқ ва валюта бошқаруви тизимларида чуқур ислохотлар олиб бориб, доимий равишда модернизацияни қўллаб борди. Хитой модернизация борасида кеч қолди, шундай бўлса-да кўплаб мамлакатлар у қўллаган модернизация моделидан намуна сифатида фойдаланмоқдалар²³.

XXI асрнинг бошланишида ҳам Хитой ҳалигача модернизация босқичидадир. 2010-йилда Хитой жаҳондаги учинчи энг кўп ЯИМ жиҳатдан, дунёдаги энг кўп ишчи кучига эгаллиги ҳамда энг катта иқтисодиёт сифатида қайд этилди^{24 25}. 2010-йилда унинг иқтисодиёти 10,3% га ўсди²⁶.

Япония. XIX аср охирида Япония тарихида²⁷ ҳамда XX аср охирларида Хитой ва Ҳиндистон каби мамлакатлар томонидан модернизация юзасидан олиб борилган илмий изланишлар катта аҳамиятга молик²⁸. Ғарбдан олиб келинган технологиялар ва илм фаннинг кириб келиш жараёнлари ушбу мамлакатлар томонидан кенг тадқиқ этилди.

Жанубий Корея. XX аср охирида Жанубий Корея модернизация борасида АҚШ ва Япония моделларини қўллади. Кўплаб корейликлар цивилизацияни идеал модел сифатида Американи тан олган христианлардан таълим олдилар. Шундай бўлсада, кўпчилик амалий модел - Шарқий Осиё мамлакатлари намунасида Япониядан фойдаланди²⁹. 1960-йиллардан кейин Жанубий Корея мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ялпи экспорт қилиш йўлидан бориб, 1970-йилда иқтисодий мўжизага эришди.

²² Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Т.2011., 197-бет

²³ R. Keith Schoppa, ed. (2011). *Revolution and Its Past: Identities and Change in Modern China* (Third Edition ed.). Upper Saddle River, NJ: Prentice Hall.

²⁴ Gardels, Nathan (2011). "The West No Longer Owns Modernity". *New Perspect* (Malden, MA: Wiley-Blackwell) 28 (3): 61–64.

²⁵ "CIA". *East and Southeast Asia: China*. Retrieved 7 December 2011.

²⁶ "CIA". *East and Southeast Asia: China*. Retrieved 7 December 2011.

²⁷ Shuzo Teruoka, ed. *Agriculture in the Modernization of Japan, 1850-2000* (2008); Cyril Black, *The Modernization of Japan and Russia* (1975)

²⁸ Russell H. Jeffries, *China's Agricultural Modernization* (2009); June Grasso, Jay Cornin, and Michael Kort, *Modernization and Revolution in China: From the Opium Wars to the Olympics* (2009)

²⁹ Vladimir Tikhonov, "The 1890s Korean Reformers' View of Japan - a Menacing Model?" *International Journal of Asian Studies* 2005 2(1): 57-81.

Ғарб мамлакатлари. Ривожланган ғарб мамлакатлари модернизация жараёнларида олдинда боришди, мустақил равишда янги технологиялар, ускуналар яратадилар. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар ғарбнинг ташқи таъсири остида модернизация жараёнларига тортилмоқда. Бу уларнинг технологик қарамлигини кучайтириб, жаҳон хўжалиги соҳаларидан ўрин эгаллашини таъминлайди.

Германия. XIX аср олимлари иқтисодиётни модернизациялашдаги Германиянинг танлаган йўлига ижобий омил сифатида қараб юксак баҳолашган. Отто вон Бисмарк ва бошқа кучли лидерлар томонидан кучли бюрократия ривожланган бир шароитда иқтисодий ислохотлар олиб борилди ва аҳолининг ижтимоий фаровонлигига алоҳида эътибор қаратилди³⁰. Биламизки, иккинчи жаҳон урушидан кейин Германия ўзини ўнглай бошлади, саноат ишлаб чиқаришига катта эътибор қаратилиб, аҳолининг кўплаб қисми саноат тармоқларига жалб қилинди. Мамлакатда саноатни ҳамда банк-молия сектори модернизация қилиниб, техника ва технологиялар ишлаб чиқарила бошланди.

Франция. XIX асрнинг охири XX аср бошларида тарихчи Эуген Вебер ўзининг "Қишлоқ хўжалигига асосланган Францияда модернизациялаш жараёни" номли китобида таъкидлайдики, поезд йўллари, республика мактаблари ва универсал ҳарбий база муҳим аҳамиятга эга³¹. Вебер олиб борган илмий изланишлари мактабдаги натижалар, миграция намуналари, ҳарбий хизмат ҳужжатлари ва иқтисодий трендлардан фойдаланишга олиб келди³². У 1900-йилларда Францияда ривожланиш бўлмаганлигини ҳамда мамлакат иқтисодиёти қоқоқлигини айтиб ўтади.

Жаҳон иқтисодиётида турли мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг турли-туманлиги улар тараққиёт даражасини қандайдир

³⁰ Jürgen Kocka, "German History before Hitler: The Debate about the German 'Sonderweg.'" *Journal of Contemporary History*, Jan 1988, Vol. 23#1, pp 3-16 [in JSTOR](#)

³¹ Joseph A. Amato, "Eugen Weber's France" *Journal of Social History*, Volume 25, 1992 pp 879–882.

³² Eugen Weber, "The Second Republic, Politics, and the Peasant," *French Historical Studies* Vol. 11, No. 4 (Autumn, 1980), pp. 521-550 [in JSTOR](#)

битта нуқтаи назардан баҳолаш имконини бермайди. Шунга кўра, мазкур мақсадда бир неча асосий кўрсаткич ва мезонлардан фойдаланилади³³:

- мутлоқ ва нисбий ЯИМ;
- миллий даромад ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдори;
- миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилмаси;
- мамлакат экспорти ва импорти таркибий тзилмаси;
- аҳолининг турмуш даражаси, сифати;
- аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий истеъмол маҳсулот турларининг ишлаб чиқарилиши;
- иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва бошқалар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг иқтисодий аҳволи жуда оғир аҳволга тушиб қолди. Тарихдан маълумки, Иккинчи жаҳон уруши даврида Осиёдаги ўнлаб мамлакатларнинг ҳудудлари вайрон бўлган эди. Жанубий Корея, Япония, Малайзия, Сингапур, Индонезия, Тайван, Гонгконг, Хитой каби мамлакатларнинг иқтисодиёти ривожланиши рекорд даражани қайд этди. Мана шу мамлакатларнинг Ҳукуматлари томонидан мамлакатни тиклаш борасида иқтисодий ислохотлар амалга оширила бошланди. Айниқса, Япония ва Жанубий Корея мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши ва ишлаб-чиқариши йилига 5-7 фоиздан кўтарилди. 1960-йилдан буён ушбу мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияти йил сайин ошиб, иқтисодий мўжизага эриша бошладилар. Уларнинг иқтисодиётида саноатнинг ўрни катта бўлиб, мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ялпи экспорт қилиниши, бу борада ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида урғу берилди.

1960 йиллар охири 70 йиллардан бошлаб ривожланаётган мамлакатлар иқтисоди учун ривожланиш суръатларининг юқорилиги, халқаро иқтисодий муносабатлатга қўшилиши характерлидир. 1970-1996 йиллар мобайнида уларнинг жаҳон савдосидаги улуши 18,9 фоиздан 28,7 фоизгача, яъни 1,5 мартадан кўпроқ ўсди.

³³ Шодмонов Ш.Ш., Гофуров У.В. "Иқтисодиёт назарияси" Тошкент - "Фан ва технология" - 2005, 685-бет.

Бир давлатни янги индустриал мамлакатлар жумласига қўшиш учун умумий мезон йўқ. Баъзи олимларнинг фикрича, экспортда саноат товарлари анча катта ўрин тутадиган бир қатор ривожланаётган мамлакатлар (Бразилия, Мексика, Аргентина, Ҳиндистон, Сингапур, Индонезия, Жанубий Корея, Тайвань ва ҳ.к.) ни, ўртача ривожланган капиталистик мамлакатлар (Испания, Греция, Ирландия ва ҳ.к.) ни "янги индустриал мамлакатлар" жумласига қўшиш мумкин. 1978-йилда экспортда саноат маҳсулотлари улуши Гонгконгда 96 фоиз, Жанубий Кореяда 85 фоиз, Ҳиндистонда 60 фоиз, Сингапурда 45 фоиз, Бразилияда 33 фоиз, Аргентина ва Мексикада 26 фоизни ташкил этди³⁴.

Янги индустриал мамлакатлардан баъзиларини, яъни Осиё-Тинч океани минтақасида жойлашган Жанубий Корея, Гонгконг, Тайвань ва Сингапурни "тўрт аждарҳо" деб аташади. Бунга сабаб уларнинг иқтисодий жиҳатдан тез ривожланганлигидир. Янги индустриал мамлакатлар "тўрт аждарҳо" иқтисодиётидаги кескин юксалиш туфайли 1970 йиллар ўрталаридан бошлаб ўз ривожига, айниқса, экспортда юқори натижаларга эришди ва амалда саноати ривожланган давлатлар даражасига кўтарилди. 80-йилларнинг иккинчи ярмида уларнинг иқтисодий ўсиш суръатлари 7-8 фоиздан пастга тушмади. Бу борада Малайзия ва Жанубий Корея мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон мамлакатларига ялпи экспорт қилинди.

Баъзи мутахассисларнинг фикрича, ушбу мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш чўққисига чиқишларига асосий сабаб, уларнинг қулай географик минтақада жойлашганлигидир. Улар турли қитъаларни бирлаштирадиган асосий савдо йўллари туташган ерда жойлашган.

Мазкур мамлакатлар ўзларига хос хусусиятлардан жаҳон иқтисоди ривожининг янги замонавий босқичида уддабуронлик билан фойдаландилар, бу босқич учун қуйидагилар хос³⁵:

³⁴ Шодмонов Р.Ҳ., Маҳмудов Э.Р. "Жаҳон иқтисодиёти", Тошкент - 2005, 182-бет

³⁵ Шодмонов Р.Ҳ., Маҳмудов Э.Р. "Жаҳон иқтисодиёти", Тошкент - 2005, 186-бет

- иқтисоднинг интернационаллашуви, бу ҳол халқаро меҳнат тақсимотининг янада ривожлантирилиши ва шунга боғлиқ равишда жаҳоннинг энг ривожланган мамлактлари миллий хўжаликларининг таркиби ўзгариши билан боғлиқ;

- йирик кўламли оммавий ишлаб чиқаришдан майда серияли хусусий ишлаб чиқаришга ўтиш;

- ишлаб чиқаришни марказлашиш, бир жойга тўпланишдан чиқариш, бозор ўзгаришларига тез мослаша оладиган майда ва ўрта корхоналарнинг аҳамиятини ошириш;

- шу муносабат билан майда капиталларнинг аҳамияти ошиши;

- хўжалик юритишнинг янги тури - маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг бозор қонунлари эркинлигини, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан иқтисодий жараёнларга режали таъсир кўрсатилишини ўзида жамлаган турига талаб ошганлиги;

- мулкчилик шаклларнинг кўплиги, улар орасидаги муносабатларнинг уйғунлиги мавжудлиги;

- инсон омилининг роли ошганлиги, иқтисоднинг интеллектуаллашиши, яъни фан ютуқларига суяниши.

Шунингдек, ушбу мамлакатларнинг ривожланишига яна бир асосий сабаб арзон меҳнат ресурсларнинг мавжудлигидир. Мазкур меҳнат ресурсларининг қишлоқ хўжалик тармоқларидан бевосита саноатга жалб қилиниши ҳам турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга олиб келди. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз керакки, ушбу Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари томонидан инвестицияларни самарали жалб қилиниши ҳам ишлаб чиқаришни юқори чўққиларга олиб чиқишда асосий восита бўлиб хизмат қилди.

Мазкур мамлакатларда тўқимачилик саноати, кийим-бош ишлаб чиқариш, янги инновацияларни жалб қилиш, мустақил равишда техника ва технологияларни ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилди. Натижада фан ютуқларига асосланган тармоқларга мўлжал олиб, Сингапур, Жанубий

Корея, Тайвань каби ривожланаётган мамлакатлар, АҚШ, Япония, Германия каби ривожланган мамлакатларга анча жиддий рақобатчига айланди. Бунинг натижасида АҚШ "тўртлик"дан электрон қисмларни сотиб олишни анча қисқартирди. Ўз ички бозорларини уларнинг товарлари билан тўлдирмаслик мақсадида бошқа чораларни ҳам қўллади.

Ушбу Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида иқтисодиётни модернизациялаш, саноат ишлаб чиқаришига ва хизмат кўрсатиш соҳасига катта аҳамият бериш, инсон омилининг ролини ошириш ҳанда уларнинг реал даромадларини кўпайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиб бериш, иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали рағбатлантириш, янги техникаларни кашф қилиш, арзон ишчи-кучини саноат таермоқларига йўналтириш иқтисодиётнинг ўсишига замин яратди.

II БОБ. САУДИЯ АРАБИСТОНИ ПОДШОҲЛИГИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Саудия Арабистони Подшоҳлиги миллий иқтисодиётини модернизациялашнинг модели ва босқичлари

Сўнгги йилларда Саудия Арабистони Подшоҳлигининг иқтисодий салоҳияти ва нуфузи жаҳон хўжалигида йилдан йилга ортиб бормокда. Ўз навбатида, ушбу мамлакат томонидан даромадларни мақсадли равишда сарфлаш, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, яъни модернизация ҳамда диверсификация жараёнларини самарали олиб борилиши ва миллий иқтисодиёт тараққиётида ижтимоий-иқтисодий йўналишларга алоҳида эътибор берилиши ва унинг миллий иқтисодиётлар тизимида умумиқтисодий макроиқтисодий кўрсаткичларда ўз аксини топмокда.

Иқтисодий тарихдан маълумки, жаҳон хўжалигида Форс кўрфази минтақаси мамлакатларининг иқтисодиётига 1970 йилларнинг ўрталаридан бошлаб пойдевор қўйилиб, бугунги кунда юқори суръатлар билан ривожланиб келмокда, айниқса, уларнинг иқтисодиётини тез шаклланишига ўз навбатида нефт хомашёси муҳим ва устувор аҳамият касб этмокда.

Саудия Арабистони иқтисодий тараққиёт борасида ўз моделини яратди. Бу моделнинг ўзига хос хусусияти шунда эдики, мамлакат иқтисодий ислохотларни режалаштириш усулидан фойдаланди. Биринчи ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаси 1969 йили қабул қилинганди. Беш йиллик муддатга мўлжалланган ривожланиш дастурлари дастлаб Ғарб мутахассислари томонидан танқидий баҳоланди. Бироқ даврлар ўтиши билан гарчи қийинчиликлар билан бўлса-да, Саудия Арабистони режалаштириш йўлидан бориб хато қилмаганини исботлади. Ҳозиргача 9 та беш йиллик ривожланиш дастурлари амалга оширилди. Ислохотлар оз фурсат ичида ўз натижасини бера бошлади. Авваллари мамлакат кундалик эҳтиёж буюмлари

ва ҳатто озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам валюта эвазига четдан сотиб олган бўлса, эндиликда ўз товарларини 120 дан ортиқ давлатга экспорт қилмоқда. Дунёнинг кўплаб олимлари бир овоздан Саудия иқтисодий мўжизаси (мамлакатнинг оз фурсат ичида юқори иқтисодий муваффақиятларни қўлга киритгани «Саудия иқтисодий мўжизаси» дея баҳоланади) нинг яратилишида мамлакат заминидан улкан нефт захираларининг топилиши ва уни қайта ишлаш тизимининг шаклланиши муҳим омил бўлганини таъкидлашади.

Дарҳақиқат, 1970-80 йилларда дунёнинг кўплаб давлатларида кескин иқтисодий ҳолат ва инқирозлар юзага келган бир пайтда Саудия саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва нефт экспортини кўпайтириш эвазига катта иқтисодий ўсишга эришди. Айни шу даврда нефт экспортидан олинган даромад 44 баробарга ошди ва 1981 йили рекорд даража — 119 миллиард долларга етди. Умуман, нефт ва газ Саудия Арабистони давлатининг энг муҳим миллий бойликлари саналади. Мамлакат заминида жаҳон қора олтин захирасининг чорак қисми жамланган, нефт конларининг аниқланган захираси эса 263 миллиард долларни ташкил этади (Изоҳ: 1 баррел — 158,988 литр). Нефтни қайта ишлаш саноати миллий иқтисодиётда қанчалик муҳим ўрин тутишини ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) да ушбу соҳа улуши 36 фоиз эканидан ҳам билиш мумкин. Айни пайтда дунё миқёсида энергия ресурсларига бўлган талабнинг кескин ошиши, нефт нархининг тобора ўсиб бораётгани Саудия Арабистонининг халқаро бозордаги таъсир доирасини кенгайтирмоқда. Қуйидаги маълумотдан ҳам кўриш мумкинки, кунлик нефт қазиб олиш кўрсаткичи бўйича подшоҳлик мутлоқ олдинги ўринда турибди. Саудия Арабистони газ захиралари бўйича ҳам дунёда етакчи ўринларни эгаллайди. Подшоҳлик ҳозиргача аниқланган 6 триллион куб/метр газ захираси билан ушбу табиий бойликка эгалик борасида Россия, Эрон ва Қатардан кейинги тўртинчи ўринда туради. Мисол учун, подшоҳлик худудида 2001 йилнинг ўзида 54 миллиард куб/метр табиий газ қайта ишланди.

Мамлакат саноати нефтни қайта ишлаш билан чекланмайди.

Подшоҳлик шу билан бирга олтин, мрамар, гранит, темир ва бошқа минерал ресурсларга ҳам эга. Ҳукумат бир томонлама, фақат нефт-газ экспортига асосланган савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш тарафдори. Бунинг учун эса бошқа минерал ресурслардан ҳам самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш талаб этилади. Маълумотларга қараганда, Саудияда ҳар йили 752 минг унция олтин, 4 миллион тонна темир қайта ишланади.

Форс қўлтиғи ва Қизил денгиз бўйидаги Янбу ва Жубайл шаҳарлари мамлакатнинг энг асосий саноат шаҳарлари ҳисобланади. Бу икки шаҳар мамлакат иқтисодида қанчалик муҳим ўрин тутишини ҳукумат таркибида ушбу шаҳарлар бўйича махсус идора ташкил этилгани ва мазкур икки ҳудуд ЯИМ га 5 фоиз улуш қўшаётганидан билса бўлади.

Саудия Арабистони Подшоҳлиги стратегик тараққиёт режалари 1970 йилдан буён амалга оширилиб келинмоқда³⁶.

2.1-жадвал

Саудия Арабистони беш йиллик режалари

Режа-лар	Йиллар	Инфраст-руктура	Иқтисодий ресурслар	Инсон Капитали	Ижтимоий хизмат ва соғлиқни сақлаш
1-режа	1970-1974	41,3 фоиз	27,9 фоиз	20,5 фоиз	10,3 фоиз
2-режа	1975-1979	49,3 фоиз	28 фоиз	14,7 фоиз	8 фоиз
3-режа	1980-1984	41,1 фоиз	30,7 фоиз	18,4 фоиз	9,8 фоиз
4-режа	1985-1989	28,9 фоиз	20,4 фоиз	33 фоиз	17,7 фоиз
5-режа	1990-1994	20,8 фоиз	10 фоиз	48,3 фоиз	19,9 фоиз
6-режа	1995-1999	16,2 фоиз	11,5 фоиз	51,1 фоиз	20,8 фоиз
7-режа	2000-2004	12,6 фоиз	11,2 фоиз	57,1 фоиз	19,1 фоиз
8-режа	2005-2009	14,2 фоиз	12,2 фоиз	55,6 фоиз	18 фоиз
9-режа	2010-2014	12,3фоиз	14,7фоиз	56,8фоиз	16,2фоиз

Манба: Саудия Арабистони иқтисодиёт ва режалаштириш вазирлигининг 2012-йилги маълумоти

Шуни таъкидлаш жоизки, 1980-1990 йилларда йирик инвестицияларнинг катта қисми иқтисодиётнинг замонавий тармоқлари, шу жумладан, қайта

³⁶ MONGABAY.COM

ишловчи саноат, қишлоқ хўжалиги, замонавий инфратузилмани барпо этиш ва кенг ижтимоий дастурларни амалга ошириш ҳиссасига тўғри келади.

Ушбу беш йиллик режалар қуйидагилардан иборат:

Биринчи беш йиллик ривожланиш режаси (1970-1974):

Ушбу режа 1970-1974 йиллар мобайнида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилган бўлиб, бу режа давомида асосий урғу инфраструктурани ривожлантириш ва раҳбарият хизматларини яхшилашга қаратилган. Бу режа давомида мамлакат харажатлари 80 млн. долларга етди. Режада мамлакатда қўшимча йўлларни қуриш ва уни кенгайтириш, порт, денгиз портлари ва алоқа хизматлари акс этган. Бунда қўшимча равишда тоза ичимлик сувини етказиб бериш, оқава сувларни барпо этиш, ёмғир сувларни етказиб бериш ҳамда қишлоқ хўжалик учун муҳим аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқат ва ижтимоий иншоотларни қурилишлари киритилган.

Иккинчи беш йиллик режа (1975-1979):

Ушбу режа 1975-1979 йиллар мобайнида амалга оширилган бўлиб, бу режада мамлакат харажатлари катта шаҳарларда уйлар қурилиши, электрлаштириш, сув, транспорт ҳамда фан таълим муаммолари сабабли ўсиб борди. Режа давомида 700 млн. доллар харажат бўлиб, бундан 69 млн. доллар сув, қувурларда олиб келиш, йўлларни асфальт қилиш ва кенгайтириш, йўлларни ёритиш, ижтимоий бинолар, жамоат ҳиёбонлари, бозорлар лойиҳалари учун сарфланди.

Учунчи беш йиллик режа (1980-1984):

Бу режа давомида ривожланиш даражаси юксак даражага олиб чиқилди, инфраструктурани ривожлантириш охирига етказилди ҳамда мамлакат инвестицияларидан унумли фойдаланган ҳолда секторларга жалб қилинди. Режада маҳаллий ва хорижий лойиҳалар учун ажратилган маблағ 48 млн. доллардан 106 000 млн. долларга ўсди.

Тўртинчи беш йиллик режа (1985-1989):

Бу режа 1985-1989 йиллар давомида амалга оширилган бўлиб, режада кўпроқ инсон капиталини ривожлантиришга катта аҳмият берилди. Инсон

даромадларини ошириш, таълим даражасини юксалтириш ҳамда юқоридаги режаларни ривожлантиришга аҳамият берилди. Ушбу ишлаб чиқиладиган режалар маҳаллий ҳудудларнинг иқтисодий ўсишини ошириш кўзда тутди. Режа давомида реал миллий даромад икки баробар ошиб 280 млн. доллардан кўп фойдага эришилди. Ҳокимият томонидан жами 325000 млн. доллар харажат қилиниб, уни ичига 62.4 млн. доллар тоза ичимлик сув, ёмғир суви, бозорлар барпо этиш, жамоат жойлари, йўللарни асфалт қилиш ва атроф муҳит лойиҳаларига ажратилди

Бешинчи беш йиллик режа (1990-1994):

Ушбу режа 1990-1994 йилларни ўз ичига олган бўлиб, бу режада асосан ривожланган лойиҳаларни кенгайтириш ва хусусий секторлар фаолиятини жадаллаштириш учун урғу берилди. Мамлакат харажатлари 802.685 млн. долларга тенг бўлиб, кўзланган харажатлардан 43 фоиз га ошган. Маҳаллий лойиҳаларга 12 млн. доллар ажратилди.

Олтинчи беш йиллик режа (1995-1999):

Ушбу режа 1995-1999 йилларни ўз ичига олган бўлиб, бу режа дастлабки режаларнинг объектларини кенгайтиришни ҳамда хусусий сектор ҳиссасини ривожлантириш билан ажралиб туради.

Еттинчи беш йиллик режа (2000-2004):

Бу режада вазиятни янада кучайтириш ва миллий даромад ресурслар базасини диверсификация қилишни стратегик мақсад қилиб қўйган ҳамда Саудия иқтисодий рақобатбардошлик қобилиятини мустаҳкамлаш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни рағбатлантириш, валюта стабиллигини таъминлашни мақсад қилинган. Бундан ташқари таълимни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, спорт, янги иш ўринларини яратиш, инфратузилмага эътибор бериш, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, молиявий бирлашмаларни такомиллаштириш, Жаҳон савдо ташкилотидаги ўрни ва товарларига эътибор қаратиш ишлаб чиқаришда ресурслардан оқилона фойдаланиш кабилар режага киритилган эди.

Саккизинчи беш йиллик режаси (2005-2009):

Бу режада аввалги режаларда амалга ошмай қолган лойиҳаларни поёнига етказиш, йиллик ЯИМ суратини ошириш, нефтдан бошқа тармоқларни ҳам ривожлантириш, инвесторларга имкониятлар яратган ҳолда уларни кўпайтириш, тўлов қобилияти валюта тақчиллигини олдини олиш, жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ни 35000 долларга етказиш мўлжалланган.

Тўққизинчи беш йиллик режа (2010-2014):

Мазкур режада кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу режада мамлакат тичлигини сақлаш, аҳолининг яшаш ва турмуш даражасини ошириш, миллий иқтисодиёт талабига жавоб бера оладиган иш-кучини тайёрлаш, миллий кадрларни иш билан таъминлаш ва умумий иш-кучидаги хорижлик иш-кучини камайтириб бориш, иқтисодиёт асоси ҳисобланган қайта ишлаш саноати, энергетика, маъданлар, туризм, маълумот технологияси ва бошқа соҳаларнинг ривожланишига шароит яратиб бериш, мамлакатнинг турли ҳудудларида тараққиёт босқичини бир меъёрга олиб бориш, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш, уларнинг иқтисодиётга инвестиция киритишларини рағбатлантириш, мамлакатнинг халқаро иқтисодий майдондаги ролини ошириш, рақобатдошлигини кучайтириш, минтақавий ва халқаро даражада ҳамкорликни кенгайтириш кабилар режада кўрсатиб ўтилган. Умуман олганда, Саудия Арабистони инфраструктура, инвестиция шу билан бир қаторда инсон капиталига катта эътибор қаратмоқда. Бироқ, бу йўналишдаги белгиланган вазифалар амалга ошиши қийинлашиб бормоқда. Шу сабабли миллий иқтисодиётни узлуксиз равишда модернизация қилиш миллий кадрлар эвазига амалга ошмаяпти.

Ҳозирги кунда бошқа араб мамлакатлари сингари ушбу мамлакатда ҳам сиёсий беқарорлик юз бермаслиги учун аҳоли яшаш ва турмуш даражасини яхшилаш мақсадида давлат томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан аҳоли ойлик маошларига қўшимча маблағлар қўшиб берилмоқда. Мамлакат миллий иқтисодиёт талабига жавоб бера оладиган иш-кучини тайёрлаш, миллий кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг илмий салоҳиятини ошириш, шунингдек янги иш ўринларини яратиш борасида

лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Яна шуни ҳам айтиш мумкинки, мамлакат миллий иқтисодиётини фақат нефт соҳасига бўлган қарамликни камайтириш ва миллий иқтисодиётни диверсификациялаш ҳамда модернизациялаш юзасидан ҳам бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, нефтни қайта ишлаш саноати ва ундан турли хом ашёни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш, энергетика, маъданлар олиш ҳамда туризмни ривожлантириш каби соҳалар ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.


Таъкидлаш лозимки, араб минтақаси нефт экспорт қилувчи мамлакатлари олдида турган муҳим масалалардан бири бу - иқтисодиётдаги диверсификациядир. Хусусан Саудия Арабистонининг саноат ривожланишидаги муҳим йўналиш бу - нефт кимёси ҳисобланади. Саудия Арабистони нефт кимёсини ривожлантириш орқали қуйидаги вазифаларни ҳал этишга ҳаракат қилмоқда:

- ялпи ички маҳсулотда саноат секторининг улушини ошириш;
- саноат ишлаб чиқаришида маҳаллий хом ашёдан фойдаланишни кенгайтириш;
- нефт-газ ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш;
- нефтга боғлиқликни камайтириш;
- замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантириш;

Мазкур мамлакатда диверсификация жараёнларининг яна бир йўналиши электроэнергия соҳасидир. Бу тармоқни янада ривожлантириш зарурияти шу билан тушунтириладики, электр қуввати ишлаб чиқаришни доимий равишда ошириб бормасдан туриб янги нефт-газ конларини ўзлаштириш ва самарали иқтисодий диверсификация жараёнларини таъминлаш мумкин эмас. Гарчи бу соҳада Саудия Арабистони муайян муваффақиятларга эришган бўлса-да, электр қуввати ишлаб чиқариш иқтисодий эҳтиёжларидан анча орқада қолмоқда.

Араб минтақаси нефт экспорт қилувчи мамлакатларининг ўзак тармоқларидан кейингиси чучук сув ишлаб чиқаришдан иборат. Чучук сув ишлаб чиқариш нафақат мамлакатлар аҳолиси учун ҳаётий муҳим зарурият, балки саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларининг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўлиб ҳисобланади. Чучук сувнинг табиий ресурслари чекланганлиги муносабати билан ягона йўл денгиз сувини қайта ишлашдир. Шундай қилиб, Араб минтақаси нефт экспорт қилувчи мамлакатлари иқтисодиётини диверсификациялашнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:


- нефт кимёси саноатини ривожлантириш;
- электр қуввати ишлаб чиқариш ҳажмини босқичма-босқич ва мунтазам ошириб бориш;
- чучук сув ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- қишлоқ хўжалик тармоғини ривожлантириш ва бошқалар.



Саудия Арабистони кўплаб иқтисодий соҳаларда кучли давлат назорат ўрнатилган нефтга асосланган иқтисодиётга эга. Нефт сектори бюджет даромадининг 80 фоизини, ЯИМ нинг 45 фоизини ва экспортдан олинadиган даромаднинг 90 фоизини ташкил қилади.

Шу билан бир қаторда нефт сотишдан тушган йирик маблағларни маҳаллий меҳнат ресурслари малакасини ошириш ва мамлакат интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга сарфлаш энг муҳим масалалардандир. Негаки, айнан шу асосда замонавий техника ва технологиялар ишлаб чиқариш,


электроника, электротехника сингари илғор ва илмталаб саноат тармоқларини ривожлантиришга эришиш мумкин, холос. Жаҳонда глобллашув ва халқаро интеграция жараёнлари кучайиб бораётган бир вақтда ушбу саноат тармоқларини ривожлантирмасдан туриб жаҳон хўжалик тизимида муносиб ўрин эгаллаш мумкин эмас. 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозга қадар энергоресурсларга, айниқса нефт ва газга бўлган талабнинг ортиши натижасида жаҳон нефт бозоридаги нархларнинг кескин кўтарилиши, айниқса Саудия Арабистони Подшоҳлигининг асосий иқтисодий ҳолати ва кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатди.



ОПЕК маълумотида асосан Саудия Арабистонининг 2012 йил ҳолатига кўра нефть захираси 262,6 млрд. баррелга етган ва бу кўрсаткич жаҳон нефть захирасининг 19 % ини ташкил қилади.³⁷ 2011 йилда мамлакат ҳудудларида 452 млн. тонна нефт қазилган бўлса, шунинг 438,8 млн тоннаси Сауди Арамсо компанияси томонидан ишлаб чиқарилган. Саудия Арабистони Подшоҳлиги Нефть ва минерал ресурслари вазирлигининг берган маълумотида кўра, яқин йиллар ичида Саудия Арабистони йилига 750 млн тонна нефть ишлаб чиқаришини башорат қилмоқда.³⁸


³⁷ ОПЕК

³⁸ Saudi Arabia – Economic Insight, December 2011. P. 15.




2.3-расм. ЯИМнинг тармоқлар бўйича таркиби, %

1930 йилда Саудия худудида энг биринчи нефть кони топилгач мамлакатнинг янги ҳаёт даври бошланди, албатта. Унинг аҳоли сони 2012 йил ҳолатига кўра 29,356 минг кишини ташкил қилиб, аҳоли сонининг 8,790 минг кишиси мингрант аҳолини ташкил қилади. Аҳолининг ўсиш даражаси 2,5 %, ишсизлик даражаси эса 10,7 % дир.




2.4-расм. Экспорт ҳамкорлари (2011)



2.5-расм. Саудия Арабистонининг экспорт ва импорти динамикаси

Саудия ҳукумати томонидан қабул қилинаётган “5 йиллик” давлат иқтисодий дастурларини ўз вақтида ижро этиш мақсадида кўшни мамлакатлар билан ишчи кучини импорт қилиш борасида келишувларга эришган.



2.6-расм. Саудия Арабистонининг импорт хамкорлари (2011)

Ҳозирги кунда Саудия Арабистонининг турли иқтисодиёт соҳаларида 8 миллионга яқин хорижлик фуқаролар меҳнат қилади.³⁹ Биргина Яман мамлакатидан расмий равишда Саудия Арабистони мамлакатида фаолият кўрсатаётган ишчиларнинг сони 4 миллион 168 минг кишини ташкил қилар экан.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хорижий валюта тушумлари ва даромадларнинг асосий қисмини бераётган нефт саноати устидан давлат назоратини ўрнатилиши жуда йирик молиявий маблағларни тўплаш ва ушбу сармоялардан миллий иқтисодиётини ривожлантириш, энг аввало, миллий иқтисодиётни саноатлаштириш мақсадида ундан оқилона фойдаланишга имкон берди.

Саудия Арабистони миллий иқтисодиёти тарихида “тез иқтисодий тараққиёт” даври ҳамда мамлакатнинг ишга яроқли аҳолини иш билан тўла таъминлаш масаласи “6-беш йиллик” режасида ҳал қилди. “6-беш йиллик” давлат режаси 1995-2000 йилларга мўлжалланган эди.

Саудия Арабистони ҳукуматининг бугунги кундаги мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатида қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган:

- ислом бойликларини эъзозлаш ва сақлаш ҳамда иқтисодий тараққиётни ислом тамойилларига асосланган ҳолда олиб бориш;
- миллий хавфсизликни ва халқнинг бирлигини сақлаш;
- ижтимоий таъминотни кучайтириш;
- инсон салоҳиятини ривожлантириш;
- минтақавий ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тараққиёт даражалари тафовутларига барҳам бериш;
- миллий иқтисодиёт тараққиётида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни янада кучайтириш;

³⁹ World Population: Fundamentals of Growth (Washington, D.C.: Population Reference Bureau, 2012). P-24.

Бевосита иқтисодиётнинг саноат сиёсатида олиб борилаётган вазифалар қуйидаги йўналишлардан иборатдир:

- хомашё экспортидан қайта ишлаш саноатга ўтиш;
- янги табиий газ конларини қидириш ва ушбу соҳага хорижий сармояларини жалб этиш;
- саноат соҳасида маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилишини рағбатлантириш мақсадида хусусий секторни ривожлантириш;
- саноат соҳаларига маҳаллий аҳолини жалб қилишни 2020 йилгача 40 % га ошириш;
- иқтисодиётда авиасозлик ва автомобилсозлик саноатини кенгайтириш ва янада ривожлантириш билан ушбу саноат соҳаларини тараққиёти билан Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасида етакчиликка эришиш;
- 2020 йилгача “Янги саноат сиёсати” давлат дастурини оқилона олиб боришдир⁴⁰.

2000 йилларнинг бошларига келиб Саудиянинг саноат таркибида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Саноат тармоғидаги ижобий силжишлар бевосита мамлакатнинг миллий даромадларининг ортиши билан изоҳланди. Мамлакатнинг турли ҳудудларининг саноат ишлаб чиқариш тармоқларида амалга оширилган модернизация жараёнлари натижасида нефть саноати соҳасининг янада илдам ривожланишига олиб келди.

Юқорида таъкидланганидек, Саудия иқтисодиётининг таркибида энг асосий улушни саноат тармоғи эгаллаган бўлиб, саноат тармоқларидаги энг асосий донор тармоқ - бевосита нефть саноати ҳисобланади.

⁴⁰Эргашев Д. "Хорижий Шарқ мамлакатларида интеграция муаммолари ва саноатлаштириш" маърузалар матни, 28-бет

2.2-жадвал

**Ишлаб чиқарувчилар ўзгармас нархларда иқтисодий сектор
томонидан ички ялпи маҳсулотлар (Миллион риял)**

	2009	2010	2011	2011 йилда % ўзгариши
А. Саноат ва бошқа ишлаб чиқарувчиар				
1. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик	39.536	39.986	41.086	2.8
2. Кончилик ва қазиб чиқариш	200.131	204.536	213.571	4.4
а. хом нефт ва табиий газ	197.095	201.433	210.354	4.4
б. тоғ-кон саноати ва ишлаб чиқариш	3.036	3.102	3.216	3.7
3. Саноат ишлаб чиқариши	105.100	111.759	125.931	12.7
а. Нефтни тозалаш	21.615	21.886	22.642	3.5
б. бошқа саноат	83.485	89.873	103.288	14.9
4. Электр, газ ва сув	14.973	16.161	17.003	5.2
5. Конструкция ва қурилиш	57.982	62.518	69.843	11.7
6. Улгуржи & чакана савдо & ресторанлар & меҳмонхоналар	72.992	79.190	84.792	7.1
7. Транспорт & алоқа	59.946	65.137	72.063	10.6
8. Молия, суғурта, мол-мулк ва бизнес хизматлари	107.517	109.201	112.529	3.0
а. Шахсий уйлар	54.875	55.915	57.672	3.1
б. Бошқалар	52.641	53.286	54.857	2.9
9. Жамоа & Ижтимоий & Шахсий хизматлар	32.267	34.171	37.390	9.4
10. Банк хизматлари	15.869	16.060	16.376	2.0
Б. Ҳукумат хизматларини ишлаб чиқариш	152.510	162.926	173.261	6.3
Умумий (импорт товарларидан ташқари)	827.085	869.525	931.093	7.1
Импорт товарлари	9.853	10.259	10.756	4.8
ЯИМ	836.938	879784	941.849	7.1

Манба: Central Department of Statistics and Information, Ministry of Economy and Planning of Saudi Arabian

Саудия Арабистонида саноат ишлаб чиқаришнинг тузилмавий силжишлар жараёнлари орқали янги саноат тармоқларининг шаклланиши ва замонавий технологиялар асосида жиҳозланган корхоналарнинг жаҳон андозаси талабига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотларини ишлаб чиқариши натижасида унинг маҳсулотлари жаҳон бозорларига кириб бормоқда.

Сўнгги йилларда Саудия Арабистонида иқтисодиётни модернизациялаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу


чора-тадбирларнинг натижаси эса ишлаб чиқаришнинг ўсишида ўз аксини топди. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялашда кўзда тутилган асосий мақсад - иқтисодиётнинг диверсификациялаш сиёсатини амалга оширишдан иборат бўлганлигидир. Чунки, кўплаб саноат тармоқлари фақат нефть соҳасига боғланиб қолганлиги ҳам диверсификация сиёсатини амалга оширишда саноат тармоқларини нефть тармоғига боғлиқлигини пасайтиришдан иборат бўлди.

2.3-жадвал

2012 йилда Саудия иқтисодиётининг муҳим кўрсаткичларининг ХВФ ва САМА ташкилотлари томонидан берилган кўрсаткичлари

Иқтисодий кўрсаткичлар	САМА	ХВФ
ЯИМ нинг ўсиши	5.3	6.0
Нефт сектори (Оил сестор)	3.5	--
Нефт бўлмаган сектор (Нон-Оил сестор)	7.0	--
Нефт бўлмаган хусусий сектор (Нон-Оил Привате Сестор)	7.6	--
Нефт бўлмаган давлат сектори (Нон-Оил Говернмент Сестор)	6.4	--
Профицитнинг ЯИМ га нисбати	26.3	27.9
Инфляция кўрсаткичи	5.2	4.8

XXI асрнинг бошларига келиб, Саудия Арабистони иқтисодиётида саноат ишлаб чиқаришнинг тузилмавий силжишларининг зарурияти ялпи саноат маҳсулотларининг ва экспортда хомашё маҳсулотларининг устувор ўринга эга эканлиги ва иқтисодиётининг хомашё ишлаб чиқаришига асосланганлигидан далолат беради. Шу сабабли, унинг саноат тармоқларида тузилмавий силжишларни амалга ошириш жараёнида экспортга мўлжалланган иқтисодий сиёсатни тўла-тўқис бажариш ва уни ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.



2000 йилларнинг бошларида саноат соҳасида амалга оширилган тузилмавий силжишлар натижасида саноат тармоғида нефть-газ соҳаси қайта ишлаш соҳасидан ташқари - икки тармоқларнинг тез фурсат ичида шаклланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим, яъни биринчиси кемасозлик бўлса, иккинчиси - автомобилсозлик тармоғидир. Лекин ушбу икки тез таракқий этаётган тармоқларда ишлаб чиқариш фақатгина хориждан келадиган эҳтиёт қисмларга боғланиб қолган эди.

Жаҳон бозорида нефт хомашёси нарҳининг пасайиши- Саудия Арабистони иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес фаолиятида зудлик билан диверсификациялаш жараёнларини амалга оширишда яхшигина туртки бўла олади. Чунки, ишлаб чиқаришни фақат битта йўналишга узок йиллар мобайнида эътибор берилиши натижасида бошқа саноат тармоқларига бўлган эътиборни сусайтириб қўяди. Шунга кўра, нафақат кичик ва ўрта бизнес соҳасида, балки бутун иқтисодиёт таркибида диверсификациялаш жараёнларини амалга ошириш талаб этилади.

Масалан, Саудия Арабистонида экспорт таркибининг бир ҳиллиги (асосан нефт) саноат ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг энг асосий сабаби шундаки, кўплаб турдаги рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосида саноат

диверсификациясига эришиш энг аввало илғор техника ва технологияларни такозо этади. Бу эса ўз навбатида йирик миқдорда хориж валютасини талаб этади. Бундай валютани олишнинг энг асосий манбаси эса экспорт ҳисобланади.

Хусусий секторда кичик бизнес фаолиятини ривожлантирилишида уларнинг келажакдаги фаолиятларида нефт хомашёсига боғланиб қолмаслик мақсадида ҳозирнинг ўзида корхоналарда ишлаб чиқариш соҳасида таркибий ўзгаришларни амалга оширмақдалар.

Саудия Арабистонида кичик ва ўрта бизнес соҳасини ривожлантиришда иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва ўзгартиришлар бўйича ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар, аввало қуйидаги иқтисодий йўналишларда ҳал этишга қаратилди:

Биринчидан, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, иқтисодиётнинг энг муҳим таркиби ҳисобланган нефт саноати тармоқларида ҳам таркибий ўзгаришларни амалга ошириш талаб этилади ҳамда хом ашё ва минерал ресурсларни чуқурроқ қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришдан иборат бўлди. Чунки, ҳозирда аксарият араб мамлакатларининг иқтисодиёти нефт саноати билан шаклланган бўлсада, келажакда нефт хомашёсининг захиралари тугагандан кейин мамлакатнинг иқтисодиёт таркибига жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ҳозирданоқ нефт қазиш ва уни қайта ишлаш саноат тармоқлари негизида унинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилишга катта эътибор қаратилган.

Иккинчидан, миллий иқтисодиётнинг кейинги йилларида асосий даромад келтирувчи хизмат кўрсатиш соҳасида кичик қурилиш, молия, туризм, транспорт - хусусий секторда ушбу соҳаларда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасида хомашё маҳсулотларидан тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга кичик ва ўрта ўрта корхоналарнинг ҳиссаси юқори бўлмоқда.

Бугунги кунда ҳукумат томонидан хусусий секторни ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Ушбу секторни ривожлантиришда мамлакатда хусусийлаштириш жараёнлари ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида бир қатор муҳим дастурлар қабул қилинган.

Бугунги кунда Саудия худудида 106 та нефть ва газ конлари очилган бўлиб, шундан 8 таси деярли 50 % нефть-газ хомашёларини қазишда йирик конлар ҳисобланади. Ушбу энг йирик нефть-газ конлари мамлакатнинг шаркида Форс кўрфази қирғоқбўйи худудларида жойлашган. Нефть қазишда энг йирик «Гавар» нефть конида йилига 250 миллион тоннагача нефть хомашёси қазиб чиқарилади. Бундан ташқари, «Сафания» (йилига 64 млн т.), «Хураис» (йилига 60 млн. т.), «Шейба» (йилига 37 млн. т.), «Манифа» (йилига 44,8 млн.т), «Нуайим» (йилига 5 млн. т.) ва бошқа конлар ташкил қилади.⁴¹

Мамлакатнинг нефть-газ саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 87 % и нефть маҳсулоти бўлса, қолган 13 % и табиий газдир. Нефтьни экспорт қилиш жараёнида деярли 100% денгиз транспортидан фойдланилади, чунки сув йўллари транспорти жаҳон транспортлари тизимида энг арзон ва Саудия учун қулайдир.

2012-2015 йиллар оралиғида Саудия Арабистони ҳукумати янги нефть конларида геологик-қидирув ишларини амалга ошириш ва янги нефть конларини очиш учун халқаро эксперт-мутахассислар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган бир қатор йирик лойиҳалар учун жами 95 млрд. АҚШ долларини сарфлаш кўзда тутилган: бундан 70 млрд. АҚШ доллари нефть қазиш ишларини кенгайтириш учун йўналтирилган бўлса, қолган 25 млрд.АҚШ доллари бевосита нефтьни қазиш ишлари учун янги асбоб-ускуна ва замонавий технологияларни харид қилиш кўзда тутилгандир.⁴²

Айни пайтда Саудия Арабистони олдида турган вазифалар миллий иқтисодиётини модернизациялаш, саноат тармоқларига инвестицияларни

⁴¹ EIA – Saudi Arabia, January 2011. P. 2.

⁴² EIA – Saudi Arabia, January 2011. P. 2.

самарали жалб қилиш орқали диверсификация қилиш, мамлакат иқтисодиётининг нефтга бўлган қарамлигини камайтириш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини кўпайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантириш каби устувор соҳаларга эътибор қаратиш орқали мамлакат рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

2.2 Саудия Арабистони Подшоҳлиги миллий иқтисодиётини модернизациялаш тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш йўналишлари

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2010-йил 27-январ) маърузасида Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллаганлигини таъкидлаб ўтди.

"Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим - Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва

товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин⁴³.

Саудия Арабистони Подшоҳлиги миллий иқтисодиётини модернизациялаш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон олдида турган вазифаларидан - бозор иқтисодиёти шароитида олдиндан белгиланган кўрсаткичларга эришиш мақсадида иқтисодий ислохотлар олиб бориш, кўп йиллик иқтисодий режалар ишлаб чиқиш орқали иқтисодиётнинг барқарорлигига эришиш, инфляция даражасини бир меъёрга ушлаб туриш, хизматлар турини ва сифатини яхшилаш, мамлакатда саноат тармоқларини доимий равишда модернизация ва диверсификация қилиб бориш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашдан иборат.

Модернизация қилиш инновацион технологияларга асосланган янги лойиҳа ва дастурларсиз амалга ошмайди, шу мақсадда модернизация лойиҳалари бўйича инновацион технологиялар, 2009-2014-йилларда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта қуроллантириш 42,5 млрд. долларлик 852 та инновацион лойиҳани амалга оширишни назарда тутди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги №ПП-1072 сонли фармонида мувофиқ 19,3 млрд. долларлик 138 та лойиҳа инновацион характердаги лойиҳалар бўлиб хизмат қилади.


Бу даврда хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш ҳамда уларни рағбатлантириш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларга бўлган ички ва ташқи омилларнинг таъсирини камайтириш, янги технологик ривожланган муҳитларни ишлаб чиқиш, кўп тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этишни кўзда тутадиган қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуаси қабул қилинди.

⁴³ “Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” И.А. Каримов. Тошкент 2009, март.

Аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориш, кенг миқёсдаги ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш масалалари парламентнинг эътибор марказида бўлди.

Иқтисодий ислохотларни қонуний жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган бундай ва бошқа бир қатор тадбирлар 2009-2012-йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар камайтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш, дунёдаги санокли давлатлар қаторида Ўзбекистонга иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди⁴⁴.

Модернизация учун асос бўлган тармоқлар, биринчи навбатда, жаҳон бозорига ва ундан кейингина ички бозорга йўналтирилган бўлиши лозим. Бугунги кунда модернизациялаш жараёнлари мамлакатимиз ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган. Айниқса, мазкур йўналишлар орасида ишлаб чиқаришни модернизациялаш муҳим ўрин тутди (2.1- расм).



2.8-расм. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситалари⁴⁵

⁴⁴Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. «Ўзбекистон» Т.: 2010. – 64 б

⁴⁵ Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали амал қилишини таъминлаш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёти даражасига олиб чиқиш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан «чидамлилиги», мустақил ривожлана олиш имконият ва салоҳиятлари айнан иқтисодиёт турли даражалари ишлаб чиқариш жараёнларидаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқдир. Бироқ, шу билан бирга ишлаб чиқаришни модернизациялаш ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ. Яъни, барча соҳа ва жабҳалар ўртасида жадал ислох этиш ва модернизациялаш жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантиқий мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилиш лозим⁴⁶.

Миллий иқтисодиётни модернизация қилишдан асосий мақсад мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юқори марраларга олиб чиқиш, саноат ишлаб чиқаришини ва иқтисодиётни жаҳон стандартларига жавоб беришини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришни янги замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, шунингдек мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида тутган мавқеъини, халқаро меҳнат тақсимотида тутган ўрнини ошириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган "Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да баён этилган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишнинг стратегик йўналишлари мамлакатимиз

рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.

⁴⁶

иқтисодиётини яқин йиллар ичида ривожлантиришнинг асосий прогноз кўрсаткичлари учун асос бўлиб хизмат қилади⁴⁷.

Мамлакатимизда чуқур ўйланган ва пухта таҳлиллар асосида 2011-2015 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган, бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган тўртта стратегик дастурни амалга ошириш бошланди. Уларда саноат, инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, банк-молия тизимини янада ислоҳ этиш ва унинг барқарорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити ва уни баҳолашнинг халқаро мезонларини шакллантириш кўзда тутилади.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам Саудия Арабистони каби беш йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган дастурлар бевосита иқтисодиётни жаҳон андозаларига жавоб беришини ва барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий ислохотлар олиб бориш, саноат ҳамда инфраструктурани яхши ривожлантириш, мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, инсон капиталини доимий равишда кўпайтиришни кўзда тутати.

Мазкур дастурнинг асосий вазифаси - макроиқтисодий барқарорлик ва изчил юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, унинг сифат кўрсаткичларини, иқтисодиёт тармоқларини янада диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация этиш, техник ва технологик янгилаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳамда хизматларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш ҳисобидан яхшилашдан иборат.

2011-2015 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг йилига 8% дан юқори барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, ҳажмининг 1,5 баробар, харид қобилияти паритети бўйича эса 1,6 баробар ўсишига эришиш кўзда тутилмоқда. Бунда иқтисодий ўсиш барқарорлиги макроиқтисодий

⁴⁷ Ваҳабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" - Т.: 2011, 275-бет

кўрсаткичларнинг мутаносиблиги, паст инфляция кўсаткичлари ва миллий валюта курсининг барқарорлиги орқали таъминланади⁴⁸.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва уни янада диверсификация қилиш саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010-йилдаги 24% дан 2015-йилда 28% га, қурилишда - 6,4% дан 7,6% га ошириш имконини беради. Натижада 2011-2015 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 баробар ортгани ҳолда, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 17,5% дан 13,5% га тушади⁴⁹.

Бутун мамлакатимиз ва барча минтақаларда инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорликка янада кўпроқ эркинликлар бериш ҳамда доимий равишда рағбатлантиришни амалга ошириш натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал суръатларда, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш ва юқори технологияли тармоқларда ривожлантиришни, мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010-йилдаги 52,5% дан 2015-йилда ривожланган мамлакатлардаги каби, 60% дан юқори бўлишини таъминлайди.

Инвестиция сиёсати. 2011-2015 йилларда таркибий ўзгаришларни иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек, транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

Ушбу мақсадлар учун 2011-2015 йилларда охириги 5 йил мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда 2 баробар кўп, ҳажми 77,4 млрд. доллар миқдоридаги инвестицияларни йўналтириш мўлжалланмоқда. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан

⁴⁸ Ваҳабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" - Т.: 2011, 276-бет.

⁴⁹ Ваҳабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" - Т.: 2011, 276-бет.

улуши 24% дан кам бўмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодиётни модернизация қилишни та'минлайди⁵⁰.

Бу маблағлар, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга ошираётган корхоналарнинг ўз маблағларини кўпайтириши, солиқ юкини янада камайитириш, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадларини ошириш ҳисобидан ҳосил бўлади.

2011-2015 йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини, машинасозлик ва автомобилсозликни ривожлантириш, электр энергетика соҳасида энергия ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини ошириш ва диверсификация қилиш, металлургия саноатини комплекс модернизация этиш, кимё саноатини ривожлантириш ва диверсификация қилиш, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 4,7 млрд. доллардан зиёд маблағ йўналтирилади⁵¹.

Мазкур жамғарманинг энг муҳим вазифаларидан бири - стратегик инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш мақсадида йирик хорижий инвестор ва шерикларни жалб қилишдир. Масалан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган, умумий қиймати 1,28 млрд. долларга тенг бўлган Толлимаржон иссиқлик электр станциясида иккита бут-газ мосламасини куриш лойиҳаси шулар жумласидандир.

Келгуси йиллардаги устувор йўналишларидан бири - мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, хорижий инвесторлар учун ишончли кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборатдир.

⁵⁰ Ваҳабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" - Т.: 2011, 277-бет.

⁵¹ Ваҳабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" - Т.: 2011, 277-бет.

Ушбу Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан амалга оширилаётган лойиҳа тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинишини таъминлайди. Ушбу маблағлар энг юқори технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича хорижий инвесторлар иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Иқтисодий таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банкларни, биринчи навбатда, мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ишириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондларини жалб этиш масаласига катта аҳамият беради.

Айнан ана шу ҳамкорликнинг молиявий кўмагида келгуси йиллар давомида Ўзбек миллий автомагистрали участкаларини қуриш, ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобил шиналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилади.

2011-2015 йилларда жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 млрд. долларни ташкил этади ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлади. Уларнинг 75% дан ортиғини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Бу борада қарз маблағлари узоқ муддатли асосда фақат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, иқтисодийнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, хорижий молиявий институтларнинг кредит линияларини

мамлакатимиз тижорат банклари орқали қайта молиялаштириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилади⁵².

Саноат ривож. Саноатни барқарор, жадал ва мутаносиб ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш негизида саноатнинг асосий тармоқларини диверсификация қилиш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 1,6 баробар оширишга қаратилган.

Саноат тармоқлари самарадорлиги ва рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида дастур қабул қилинди. Ушбу Дастурда жами 47,5 млрд. долларлик 500 ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган⁵³.

Дастурда энергетика, нефт-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат соҳалари, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш каби устувор тармоқларини жадал ривожлантириш назарда тутилган.

Хусусан, 2011-2015 йилларда ёқилғи-энергетика комплекс ривожлантириш дастури доирасида мамлакатимиз энергетика салоҳиятини янада ривожлантириш, ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш, истеъмолчиларни энергия билан ишончли ва сифатли таъминлаш, энергия қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган ўнлаб инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Ушбу чора-тадбирларнинг

⁵² Ваҳабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" - Т.: 2011, 278-бет.

⁵³ Ваҳабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" - Т.: 2011, 279-бет.

амалга оширилиши натижасида 2015-йилга бориб саноатда сарфланадиган энергия улушини камида 30% камайтириш мўлжалланмоқда.

Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришда рақобат қила олиш устунликларига, жумладан, табиий ресурсларнинг улкан салоҳиятига, кудратли ишлаб чиқариш ва техник база ҳамда юқори малакали кадрларга эга бўлган кимё саноати, инвестициялар ва янги лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб этувчан йўналиш ҳисобланади. Бу соҳада 2011-2015 йилларда кимё ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш, материаллар ва тайёр маҳсулотларнинг принципиал янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган 30 дан ортиқ инвестиция лойиҳаси амалга оширилади ва кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1,6 баробар оширилади. 2011-2015 йилларда машинасозлик соҳасида енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни 1,3 баробар, совутгич ва музлатгичларни ишлаб чиқаришни 4 баробар ҳамда телевизорлар ишлаб чиқаришни 5,1 баробар оширишга қаратилган 80 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Хусусан, 2011-йилда "Женерал Моторс" компанияси билан ҳамкорликда автомобилларнинг кучланиш агрегатларини ишлаб чиқарадиган корхонанинг фойдаланишга топширилиши нафақат ички эҳтиёжларни тўлиқ таъминлаш ёки маҳаллий автомобилларни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, балки автомобил двигателларини ташқи бозорларга экспорт қилиш имконини ҳам яратди. Самарқанд вилоятида катта ҳажмда юк ташийдиган "МАН" русумидаги автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарадиган ва уларга хизмат кўрсатадиган мажмуанинг ташкил этилиши ҳам юк автомобилларига бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш бўйича кооперация алоқаларининг ривожланиши учун асос бўлади⁵⁴.

Дастурнинг устувор йўналишларидан бири фармацевтика саноатини ривожлантиришдир. Ушбу йўналишда фармацевтика корхоналарини ташкил

⁵⁴ Ваҳабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" - Т.: 2011, 280-бет.

этиш ва модернизация қилиш орқали 150 дан ортиқ замонавий дори препаратларининг янги турларини ўзлаштириш, шу орқали дори-дармонлар истеъмоли таркибида юртимизда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар улушини 3 баробардан зиёд ошириш назарда тутилган.

Бугунги кунда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур зонада етакчи хорижий корхоналар билан ҳамкорликда автомобил саноати учун бутловчи қисмлар, энг янги иситиш мосламалари, кимё ва нефт-кимё маҳсулотлари, маиший электроника ва алоқа воситаларини ишлаб чиқариш бўйича янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган корхоналар ташкил этилди.

Мамлакатимиздаги хом ашё ва табиий ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматга эга бўлган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни жадал амалга ошириш саноат таркибида қайта ишлаш тармоқларининг улушини ошириб, 2010-йилдаги 41% дан 2015-йилда 49% га етказиш имконини беради.

Дастурни амалга ошириш 2011-2015 йилларда ялпи ишқи маҳсулотда саноат улуши 2015-йилда 28% га етказилиши, умумий экспорт ҳажмида саноат маҳсулотлари улуши 1,4 баробар ортишини таъминлайди⁵⁵.

Бизга маълумки, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш жараёнини давом эттириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларини, 2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотларни чуқурлаштириш ва уларнинг кўламини кенгайтириш дастурининг амалга оширилиши жорий йилнинг тўққиз ойида иқтисодий ўсишнинг асосий кўрсаткичларини жадал ва мувозанатли ривожлантириш имконини берди. Бу борада 2012 йилнинг

⁵⁵ Ваҳабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" - Т.: 2011, 280-бет.

тўққиз ойида ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,3 фоизни ташкил қилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 6,8 фоиз, инвестициялар ҳажмини 8 фоиз, қурилиш ишларини 8,1 фоиз, чакана савдо айланмасини 16,2 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишни 14,2 фоизга ошириш ҳисобидан иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари таъминланди. Экспорт ҳажми 21,4 фоизга кўпайди, ташқи савдо балансининг ижобий салдоси 3,8 миллиард доллардан ошди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз профицит билан бажарилди (3.2-жадвал).

Жумладан Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларини олсак: (2010 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида) ялпи ички маҳсулот 108,2%, саноат маҳсулотлари 107,0%, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 111,4%, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 106,8%, чакана савдо айланмаси 116,2%, пуллик хизматлар 114,2, экспорт 121,4 % га ўсган⁵⁶.

2.4-жадвал

2012-йилнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари (%)

2012-йилнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари (%)	
ЯИМ	8.3
Саноат ишлаб чиқариш	7
Қишлоқ хўжалик	6.8
Инвестициялар ҳажми	8
Қурилиш ишлари	8.1
Чакана савдо айланмаси	16.2
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	14.2
Экспорт ҳажми	21.4
Ижобий сальдо	3.8
Бюджетнинг ЯИМ га нисбатан профицит	0.4
Ташқи қарзнинг ЯИМ га нисбати	16.0

Бундан ташқари таркибий ўзгартиришлар ва юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси маълумотлари

2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастурнинг амалга оширилиши шу йилнинг тўққиз ойида кимё ва нефт-кимёси (111,9 фоиз), машинасозлик ва металл қайта ишлаш (111,8 фоиз), қурилиш материаллари (109 фоиз), тиббиёт (131,3 фоиз) ва озиқ-овқат (114,7 фоиз) саноати каби соҳаларни жадал ривожлантириш имконини берди. Рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтиришга доир амалга оширилган рағбатлантирувчи чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг январ-сентябрида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 11,4, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 14,2 ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,4 фоизга ўсди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 1052 лойиҳа амалга оширилди ва улар бўйича 5052,4 миллиард сўмлик ёки 2010 йилнинг шу даврига қараганда 19,8 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Импорт ўрнини босишнинг ҳисоб-китоб қилинган самараси 3 миллиард доллардан ошди⁵⁷.

2013-йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуриимизни амалга оширишда иқтисодийтимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор⁵⁸.

Бу борада 2013-йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади.

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А.нинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, 18.01.2013

Ушбу мақсадлар учун ажратилаётган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисmini жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади.

Ишлаб чиқариш қурилиши учун мўлжалланаётган жами инвестицияларнинг қарийб тўртдан уч қисmini янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, реконструкция ва модернизация қилиш учун йўналтиришга тўғри келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда Президентимиз Ислон Каримов томонидан парламент палаталарининг 2010 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган қўшма мажлисида белгилаб берилган демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш бўйича танланган ўз моделимиз билан уйғунликда ва изчил амалга ошириш иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш имконини берди. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётини янада модернизация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини узлуксиз юксалтиришни таъминлашга қаратилган ислохотларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш, иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилганлиги иқтисодиётимизнинг янада ривожланаётганлигидан далолат беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, иқтисодиётни модернизация ҳамда диверсификация қилиш, банк-молия тимини ислох этиш, хизмат коўрсатиш соҳасининг жадал ўсиши, мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган ички ва ташқи инвестициялар фаолияти,

таълимни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, миллий кадрлар салоҳиятини ошириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан амалга оширилган натижаларга эътибор қаратар экан, 2013-йилда ва ундан кейинги йилларда дастурий мақсадларимизни амалга ошириш учун ўз салоҳиятимиз, барча имконият ва куч-ғайратимизни сафарбар этиш бугунги кундаги вазифамиз эканлигини таъкидлаб ўтди.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнининг ўрни аҳамиятли ҳисобланади. Шунга кўра, ҳозирда модернизация жараёнининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг мақсади — мамлакат иқтисодиётини янгилаш, техника ва технология билан жиҳозлаш, фан сиғимкорлиги юқори бўлган устувор соҳаларни ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ва аҳолининг ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳисобланади.

Умуман олганда, модернизация анъанавий жамиятдан саноатлашган, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ҳамда ижтимоий жараёнларни қонунларга таянган ҳолда оқилона бошқаришга асосланган жамиятга ўтиш жараёнларини намоён этади. Назарияда модернизация деганда «анъанавий тарздаги ёпиқ жамият»га қарама-қарши ўлароқ «замонавий очик тарздаги жамият»ни шакллантиришга олиб келувчи саноатлаштириш, урбанизация, умумий таълим, ваколатли сиёсий ҳокимият тизимларининг қарор топиши, ҳудудий ва ижтимоий сафарбарликнинг кучайиши каби жараёнларнинг мажмуи тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар ҳамда ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган 2011-2015 йилларга мўлжалланган иқтисодиётнинг муҳим тармоқларни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатимиз саноатини ривожлантириш ва унинг иқтисодиётдаги ролини иширишга, ички ва хорижий инвесторларга қулай инвестицион муҳитни яратишга, ишлаб

чиқаришни энг замонавий техника ва технология билан таъминлашга хизмат қилади.

Стратегик аҳамиятга молик бўлган тармоқлар, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ички ресурсларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида ўрин тутди. Мазкур жамғарманинг таркибий ўзгаришлардаги тобора ортиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда, яқин йилларда унинг ҳисобида 10 млрд. доллардан зиёд маблағ жамланади ва иқтисодиётни модернизациялаш юзасидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, саноат тармоқларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Келгуси йилларда ички талабнинг ошиб боришига муҳим аҳамият берилади. Чунки жаҳон иқтисодиёти ва маҳсулотлар бозорларидаги беқарорлик шароитида бундай ҳолат иқтисодиётни изчил ривожлантиришни барқарорлаштирувчи ва рағбатлантирувчи омили сифатида муҳим ўрин тутди.

Саудия Арабистони иқтисодиёти ва унда амалга оширилаётган ўзгаришлар, шу жумладан, саноат модернизациясининг ва диверсификациясининг асосини углеводород ресурслари ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда Саудия Арабистонининг табиий ресурсларни эксплуатация қилиш тажрибасидан фойдаланиш кўл келади. Бунинг учун Марказий Осиё республикалари муайян табиий ресурслар – пахта, нефт, газ бўйича жаҳон бозорига биргаликда чиқишлари ва ягона сиёсат олиб боришлари мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув бир томондан, жаҳон бозорида рақобатчилар сонининг камайишига олиб келса, иккинчи томондан, ушбу маҳсулотлар нархларига ўз манфаатлари нуқтаи назаридан таъсир кўрсатиш имкониятини яратади.

Ўзбекистонда фойдаланилиши мумкин бўлган яна бир жиҳат хорижий инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ. Агар нефт ва газ захираларини

Ўзлаштиришга хорижий инвесторлар жалб этилмаганда Саудия Арабистони иқтисодий тарракқиётида юқори натижаларга эриша олмаган бўлар эди. Бироқ жаҳон хўжалик тизимида юз бераётган тенденциялар ва ички имкониятларни ҳисобга олган ҳолда бу чора-тадбирлар ҳар томонлама ўрганилиши зарур.

Саудия Арабистони тажрибасининг яна бир эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, давлат секторининг иқтисодиётда тутган ўрни билан боғлиқ. Саудия иқтисодиётида давлатнинг етакчилик мавқеи ва хусусий секторнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши қўшимча ижтимоий-иқтисодий кийинчиликларсиз бутун иқтисодиётни реструктуризациялашга шарт-шароит яратади. Саудия Арабистонида стратегик аҳамиятга эга бўлган барча соҳалар дастлабки даврда давлат ихтиёрида бўлди. Фақат ижтимоий-иқтисодий тарракқиётда муайян даражага эришилгандан сўнг хусусийлаштириш жараёнлари тўғрисида фикр юритила бошланди. Ўзбекистонда йирик корхоналарни реструктуризациялаш ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга оширишда ана шу жиҳатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, жаҳон иқтисодиёти таркибида Ўзбекистон стратегик майдонда жойлашганлиги ва хом ашё ресурсларига эгалиги билан алоҳида ажралиб туради. Бугунги кунда президентимиз томонидан илгари сурилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар миллий иқтисодиётни юқори даражага олиб чиқиш, жаҳон молиявий-иқтисодий ташкилотларнинг кўмаги ёрдамида иқтисодиётни қайта қуриш, инвестицияларни иқтисодиёт тармоқларига самарали жалб қилиш орқали уни мустаҳкамлаш, шунингдек аҳолининг турмуш даражасини ва сифатини яхшилаш ҳамда мунтазам равишда ошириб боришга хизмат қилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2011. - 40 б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисидаги”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.29-46.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.65-76.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.77-99.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисидаги”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.159-163.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонуни. 1996 йил 27 декабрь.

1.7. Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонуни. 1996 йил 27 декабрь.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги қарори.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги ««Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги қарори.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 79-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

2.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 74 б.

2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. - 66 б.

2.3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари - Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 74 б.

2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 269 б.

2.5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 326 б.

2.6. Каримов И.А. Мулкдорлар синфини шакллантириш - ислохотларнинг бош мезони. //Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 5-том. -332-339 б.

2.7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 48 б.

2.8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 96 б.

2.9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

2.10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

2.11. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

2.12. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади //2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. - “Халқ сўзи”, 2012, 20 январь.

2.13. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш //Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2013, 19 январь.

3. Китоблар ва монографиялар

1. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Г'офуров У.В. Мамлакатни жадал ислох этиш ва модернизация қилиш - миллий тараққиётимизнинг мантикий босқичи: Илмий-оммабоп рисола. - Т.: ТДИУ, 2008. - 53 б.

2. Диденко Д.В. Теория модернизации и стратегии трансформации национальной интеллектуалоемкой экономики. //Международная экономика, №11, 2010. С. 45

3. Гидденс Э. Последствия модернити // Новая постиндустриальная волна на Западе. Антология. Под ред. В.Л. Иноземцева. М.: Асадемия, 1999. с. 101-122.

4. Рукавишников В.О. Социологические аспекты модернизации России и других посткоммунистических обществ // Социс №1, 1995 с. 35

5. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Т.2011, 196 бет.

6. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Т.2011,, 197-бет

7. Sheri Berman, "Modernization in Historical Perspective: The Case of Imperial Germany," *World Politics*, Volume 53, Number 3, April 2001, pp. 431-462 [doi:10.1353/wp.2001.0007](https://doi.org/10.1353/wp.2001.0007)

8. Jürgen Kocka, "German History before Hitler: The Debate about the German Sonderweg" *Journal of Contemporary History*, Jan 1988, Vol. 23#1, pp 3-16 [in JSTOR](#)

9. Joseph A. Amato, "Eugen Weber's France" *Journal of Social History*, Volume 25, 1992 pp 879–882.

10. Eugen Weber, "The Second Republic, Politics, and the Peasant," *French Historical Studies* Vol. 11, No. 4 (Autumn, 1980), pp. 521-550 [in JSTOR](#)

11. Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011. С. 222.

12. Модернизация России: условия, предпосылки, шансы, / Под редакцией В.Л.Иноземцева. Вып. 1. Стратегические проблемы модернизации. - М.: Центр исследований постиндустриального общества, 2009. С. 29.

13. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: стратегик тўплам. - Т: "Ўзбекистон", 2011, 120-бет

14. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: стратегик тўплам. - Т: "Ўзбекистон", 2011, 121-бет

15. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: стратегик тўплам. - Т: "Ўзбекистон", 2011, 122-бет

5. Хорижий адабиётлар

5.1. Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A Selected. Edited with an introduction and Notes by Kathrin Sutherland. – Oxford University Press, 1998 – P.618.

5.2. Anne O. Krueger. Trade Policy and Economic Development: How We Learn. – National Bureau of Economic Research, Working Paper 5896, January 1997. – P. 7-9.

5.3. Audretsch, David B. Industrial Organization and The New Industrial Policy. London, Centre for Economic Policy Research, (Discussion Paper Series), October 1998. – P.51.

5.4. Balassa, B. The Theory of Economic Integration. – London: Georg Alien & Unwin, 1962. – P.822.

5.5. Bertil Ohlin. Interregional and International Trade. - Cambridge: Harvard University Press, 1933. – P.625.

5.6. Bhagwati, Jaddish N. and Srinivasan, T.N. A General Equilibrium Thory of Effective protection and Resourse Allocation. – Journal of International Economics, Vol. 3. – P. 259-28.

5.7. Bruno and Chenery or Chenery and Bruno. Development Alternatives in an Open Economy: The Case of Israel. – Economic Journal, 1962. – March, №285; Vol. 72. – P.79-103.

5.8. Chenery, Hollis B. and Strout, Alan. Foreign Assistance and Economic Development. – American Economic Review, 1966, September, Vol. 56. – P. 679-733.

5.9. Stiglitz, Jozef T. Towards a New Paradigm for Development: Strategies, Policies and Process. – Geneva, 1988. – P.56-89

5.10. Samuelson Paul. International Trade and the Equalization of Factor Prices. – Economic Journal, 1948. - №58. – P. 163-184.

6. Статистик тўпламлар

6.1. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2006. – 97 б.

6.2. Ўзбекистон иқтисодиёти: Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2007 йил. – Т., 2008. – 128 б.

6.3. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2008. – 102 б.

6.4. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2008. – 145 б.

6.5. Йиллик статистик тўплам 2008. /Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2009. – 386 б.

6.6. Статистическое обозрение Узбекистана за 2009 год. – Т., 2010. – 87 с.

6.7. Экономка Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. – Т., 2010. – 70 с.

6.88. Экономка Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. – Т., 2011. – 75 с.

7. Интернет манбалари

7.1. <http://www.unctad.org>

7.2. www.ifc.org

7.3. www.stat.uz

7.4. www.bearingpoint.uz

7.5. www.cer.uz

7.6. www.press-service.uz.

7.7. www.cisstat.org.

7.8. www.ereport.ru